



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

### ШАХСГА ЙҮНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ (ТАҢҚИДИЙ ФИКРЛАШ КҮНИКМАСИ МИСОЛИДА)

**Атабаева Мавжуда Рустамовна**

Хоразм вилояти УрДУ академик лицейи Олий тоифали география фани  
үқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу маколада глобаллашув даврида таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим ва унинг самарадорлиги ҳақида сўз юритилади

**Аннотация:** В статье рассматривается личностно-ориентированное обучение и его эффективность в образовательном процессе в эпоху глобализации.

**Annotation:** This article discusses person-centered learning and its effectiveness in the educational process in the era of globalization.

**Калит сўзлар:** шахсга йўналтирилган таълим, глобаллашув, психологик ўтиш даври, қобилият, муаммоли изланиш, кичик тадқиқотларни олиб бориш, - дебат, баҳс-мунозара, эвристик сұхбат, кичик гуруҳларда ишиш

**Ключевые слова :** личностно-ориентированное обучение, глобализация, психологический переход, способность, исследование проблемы, небольшое исследование, - дебаты, дискуссия, эвристическая беседа, работа в малых группах.

**Keywords:** person-centered learning, globalization, psychological transition, ability, problem research, small research, - debate, discussion, heuristic conversation, small group work

Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама етук инсон сифатида камолга етказиш, унда малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантириш жуда мухим ва устувор вазифалардан биридир. Бугунги тезкор давр таълим олувчилик, шу жумладан ўқувчиликни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда. Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларидан келиб чиқиб ўқувчи шахсини ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятларини, айниқса танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва креативликни оширишни талаб қилмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган қобилиятли, ҳар томонла ижодкор ёшларни шакллантиришга хизмат



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

қиладиган таълим - шахсга йўналтирилган таълим деб номланади. Хўш, шахсга йўналтирилган таълим ўзи нима?

Шахсга йўналтирилган таълим бу – ўқувчининг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимдир.

Бу таълим ўқитиш муҳитининг ўқувчи имкониятларига мослаштирилишини назарда тутади. Унга кўра таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар, таълим ҳамда тарбия жараёнини тўлалигича ўқувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати- таълим оловчи шахсини тан олиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай, зарур муҳитни яратишдан иборат.

Бу турдаги таълим ўқувчиларда мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга хизмат қиласи. Бу турдаги таълимни ташкил этишда педагоглардан ҳар бир талаба имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдириш тақозо этилади. Қолаверса, шахсга йўналтирилган таълим ўқитиш жараёнининг иштирокчилари ўқитувчи-ўқувчи ёки ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчилар грухси, ўқувчи-ўқувчилар жамоаси тарзида ўзаро ҳамкорликда билим олиш, шахс сифатида камол топтириш учун қулай педагогик шароитни яратиш заруриятини ифодалайди.

Педагог таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланаар экан, бир қатор шартларга қатъий риоя этиши керак. Бунда:

- ҳар бир ўқувчини алоҳида, ўзига хос шахс сифатида кўра олиши;
- ўқувчини ҳурмат қилиши;
- ўқувчининг руҳий ҳолатини тўғри баҳолай олиши;
- ўқувчининг хоҳиш-истак, қизиқишлигини инобатга олиши;
- ҳар бир ўқувчига нисбатан толерант муносабатда бўлиши;
- ўқувчининг кучи, имконияти ва интилишларига ишонч илдириши;
- ҳар бир ўқувчи ўқув фанлари асосларини етарлича ўзлаштира олиши учун қулай таълим муҳитини яратиши;
- ўқувчиларнинг мустақил ёки кичик грухларга эркин ишлашлари учун имконият яратиш;
- ўқувчиларни ўз фаолиятларини мустақил назорат қилиш, фаолияти самарадорлигини аниқлаш, ютуқларнинг омиллари ва йўл қўйилган хатоларнинг оқибатларини таҳлил қилиш ўргатиш;
- таълим жараёнида ҳеч бир ўқувчига тазийк ўтказмаслиги;



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

- алоҳида ўқувчининг камчиликларини бўрттириб кўрсатмаслиги;
- борди-ю, ўқувчи томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, таълим жараёнида ўзини одобсиз тутиш ҳолати қайд этилса, у ҳолда қатъий хулоса чиқармасдан, бунинг сабабларини аниқлаш;
- аниқланган сабаблар асосида ўқувчининг шаъни, ғурурига зиён етказмаган ҳолда у томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, ўзини одобсиз тутиш каби ҳолатларни бартараф этиш;
- таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи учун "муваффақият муҳити"ни яратади;
- ҳар бир ўқувчига таълим олиша муваффақиятга эриша олишига ёрдам бериш;
- ўқувчининг қобилиятини ўстириш, шахс сифатида ривожланишига ёрдам бериш;
- ўқувчининг шахсини эмас, балки унинг аниқ хатти-ҳаракатларини баҳолаши;
- педагог сифатида ҳар бир ўқувчининг ҳурмати ва ишончини қозона олиши зарур.

Демак, шахсга йўналтирилган таълим асосан кайси давр ёки ёшдаги ўқувчиларга нисбатан қўлланилади деган савол туғилиши табиий ҳол, албатта. Хусусан, бу саволга бемалол психолого-педагогик ўтиш даври ҳисобланган академик лицей ўқувчиларида қўллаган маъқулроқ деб биламиш, чунки академик лицей ўқувчилари ўтиш давридаги ўқувчилар бўлиб улардаги бу даврга хос психологик кечинмалардан келиб чиқиб муомала қилиниши лозим. Айниқса дарс жараёнида ҳам ўқувчининг дарсдаги фаоллиги рағбатлантирилиб борилиши, ўқувчиларда ўзига хос муваффақият босқичини бошлаб беради ва ўқувчи кейинги дарс жараёнларида ҳам фаол бўлишга ҳаракат қиласди.

Ўқувчилар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материалини ўзлаштиришга ижодий, танқидий ёндошишни, янги ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион ҳарактерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши, ўқувчиларни ривожлантириш, қобилиятларини янада ўстиришга хизмат қиласди. Хусусан:

- муаммоли изланиш;
- кичик тадқиқотларни олиб бориш;
- кластер;
- баҳс-мунозара;
- эвристик сұхбат;



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

- кичик гурухларда ишлаш ва б.

Масалан география дарслари давомида күпинча карта, атлас ва глобуслар, турли иллюстрация материалларидан фойдаланилади. Бу вақтта дарс жараёнидаги педагогик технологияларнинг барчаси шахсга йўналтирилган бўлиши лозим, яъни ўқувчининг дарсдаги ҳаракатлари фаоллиги ўз устида мустақил ишлай билишини ва кенг фикрлаши ва тасаввур қила олишига ёрдам бериши лозим, шундагина шахсга йўналтирилган таълим самарасига эришиш мумкин. Нега деганда, география таълимида берилган жой ҳақида кенг тасаввурга эга бўлсагина, у ҳақидаги маълумотларни тушуниб англаб етиши мумкин.

Таълим жараёнида педагоглар томонидан:

- турли шакл, метод, восита ва технологиялардан самарали, мақсадли фойдаланиш;
- ўқувчиларга ўқув топшириқларини бажаришда усулларни мустақил танлаш имконини бериш;
- ўқувчини жуфтлиқда, кичик гурухда ва жамоада ишлашини таъминлаш;
- машғулотларнинг лойиҳалаштирилишига эътиборнинг қаратилиши нафақат ўқитиш сифатини яхшилайди, самарадорлигини оширади, шу билан бирга ўқувчи шахснинг ривожланиши учун қулай шароитни вужудга келтиради

Энг муҳими педагоглар ўқув машғулотларининг нафақат ахборот бериш, балки ривожлантириш характеристига эга бўлишларига эътиборни қаратишлари зарур. Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала, муаммо, ўрганилаётган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг мустақил фикр билдиришлари (нотўғри бўлса-да, фикр билдиришлари)га имкон бериш, нима бўлганда ҳам уларни ўйлашга, ҳар қандай вазиятда ҳам танқидий фикрлашга ундаш шахсга йўналтирилган таълимга хос муҳим белгилардан бири саналади.

Таълим жараёнида қуидагилардан фойдаланиш шахсга йўналтирилган таълимнинг яна бир белгисидир:

- ижодий топшириқлар;
- креатив ёндашишни тақозо этувчи вазифалар;
- муаммоли вазиятлар;
- турли танқидий фикрлашни кучайтирувчи ўйинлар;
- баҳс-мунозара, дебат;
- мусобақа кўринишидаги беллашувлар

Айни вақтда шахсга йўналтирилган таълимнинг қуидаги турлари фарқланмоқда (1-расм):



Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий турлари

Асосий турлари

Инновацион  
таълим

Ҳамкорлик  
таълими

Интерфаол  
таълим

Масофавий  
таълим

Муаммоли таълим

Лойиҳа таълими

Компьютер  
таълими

Ривожлантирувчи  
таълим

Табақалаштирилган  
таълим

Модул таълими

Индивидуал  
таълим

Мустақил таълим

Дастурий таълим

Ўйин  
технологиялари

Бугунги кунда педагогларнинг шахсга йўналтирилган таълимни шакллантиришда инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндошувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндошувни қарор топиши асосида кечади.

Педагогларда инновацион ёндошувнинг қарор топиши ҳам муракаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни:

1-босқич- Тайёр методик тавсиянома (мавжуд инновация)лардан фойдаланилади

2-босқич- Мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади

3-босқич-Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради

4-босқич- Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади

Шундай қилиб, замонавий таълимда инновация, бу педагог томонидан ҳар бир дарсга креатив ёндошув асосида янгилик билан кириш, ахборот алмашинувини таъминлаш, ўқувчилар ўртасида ўзаро танқидий фикрлаш ва



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Баҳс-мунозарали муҳитни яратса олиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, жамиятнинг глобаллашув ва ахборотлашуви таълим жараёнини ноанъанавий шаклларда самарали метод ва воситаларни қўллашни тақозо этиш билан бирга, янги ўқув материаллари ва воситаларини шакллантириш, қолаверса, улардан амалда фойдаланишга нисбатан ҳам инновацион ёндошишни тақозо этмоқда. Педагогларнинг касбий фаолиятга инновацион ёндаша олишлари кўзланган мақсадга эришишни кафолатлаш билан бирга таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, ўқувчиларда танқидий фикрлаш кўнилмаларини, креативликни, изланувчанликни шакллантирибгина қолмасдан билиш фаоллигини ҳам кучайтиришга ёрдам беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар. –Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008. –164 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Альджанова И. Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш воситаси сифатида / Педагогик таълим ж. – Т.: 2012, 4-сон. –46-б.
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Ишмуҳаммадов Р. Тарбияда инновацион технологиялар –Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
7. Ишмуҳаммадов Р. Таълимда инновация. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2010.
8. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные техно-логии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург: ЕГПИ, 1999. – 244 с.